

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ОПТИМИЗАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Рахимова Азиза Хусан қизи

Тошкент давлат техника университети таянч докторанти.

E-mail: [karimov8993@umail.uz](mailto:karimov8993@umail.uz)

Тел: +998979748363

**Аннотация:** Саноат корхоналарининг бошқарув тизимини оптимизация қилиш масалалари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Саноат корхоналарида бошқарув тизимини оптималлаштириш жараёни, корхонанинг бошқарув тизимини оптималлаштириш босқичлари, корхонанинг бошқарув тизимини оптималлаштириш босқичлари ва уларни таркиби бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, корхоналарни оптимизация қилиш, СММ менежер фаолияти, оптималлаштириш лойиҳаси, ташкилий тузилмани ўзгартириш.

### I. КИРИШ

Саноат корхоналарининг самарадорлигини оширишда бошқарув тизимини оптималлаштириш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Бунда бошқарув жараёни, ваколатларни тақсимлаш, лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш, ресурслар тақсимоти билан боғлиқ масалаларни самарали усуллари ишлаб чиқилади.

Маълумки корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини оширишда чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш, энг минимал ҳаражатлар билан катта фойдага эришиш, рақобатчилар ва ташқи муҳитнинг салбий таъсирини олдини олиш учун замонавий механизмлар яратишни талаб этади.

Саноат корхоналарининг бошқарув тизимини оптимизация қилишдан асосий мақсад энг кам ҳаражат билан юқори натижага эришиш учун ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Бунда корхонада кўпроқ ҳаражатларни камайтириш, автоматлаштириш тизимларини жорий этиш ҳамда корхона ташкилий тузилмасини ўзгартириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади. Шунингдек оптимизация жараёнида корхона бошқарув тизимини қайта ташкил этиш, малакали ходимларни жалб этиш, лавозим йўриқномаларини инвентаризация қилиш тадбирлари олиб борилади.

Корхоналарнинг бошқарув тизимини оптимизация қилиш жараёнлари асосан инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишда кўпроқ қўлланилади.<sup>29</sup> Оптимизация жараёнидан асосий кўзланган мақсад корхонани ривожлантириш билан бирга иқтисодий самарадорликни оширишга эришиш назарда тутилади.

### II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Федулов Л.И. фикрича, корхонадаги энг муҳим муаммолар молия ва инвестицияларни бошқариш соҳасида бўлиб, корхоналарда бизнесни

<sup>29</sup> Федулово А.И. Современная концепция управления. - К.: Центр учебной литературы, 2007. - 536 с.

ривожлантириш учун молиявий ресурслар доимий равишда етишмаслиги кузатилади.<sup>30</sup> Шу билан бирга, бошқарув жараёнида бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан самарали фойдаланмаслик, молиявий режалаштиришни самарали ташкил этилмаганлиги, назорат ва аудит тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги корхонада ресурслардан самарали фойдаланишга, корхона салоҳиятини оширишга имкон бермайди. Шу муносабат билан корхона тузилмасини оптимизация қилиш ташкилий тузилмани реструктуризация қилиш зарур.

Кўплаб адабиётларда оптимизация корхоналарни инқирозли вазиятдан чиқишига қаратилган жараён сифатида қўлланилиши келтириб ўтилган. Тадқиқотчи Булеев И.П.нинг фикрича оптимизация - бу турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида содир бўладиган узлуксиз жараён ҳисобланади.<sup>31</sup> Баъзи адабиётларда оптимизация тушунчаси корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашда корхона учун энг зарур бўлимларни ажратиб олиш йўли билан тузилмани ўзгартириш назарда тутилса, баъзилар корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида унинг бошқарув тузилмасини комплекс ўзгартириш сифатида талқин этилади.

Саноат корхоналарини оптимизация қилишда маҳсулот сифатини мақбул даражасини ҳам эътиборга олиш лозим, яъни баъзи ресурсларни тежашда меъёрдан ортиқ қисқартиришларни амалга оширмаслик зарур. Баъзи ҳолларда оптимизация жараёни натижасида кутилган самарадорликка эришилмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар ходимларга меъёрдан ортиқ иш юкламаси берилиши, тузилма учун зарур бўлинма қисқартирилиши, янги бошқарув тизимига мослашувчанлик даражасини пастлигида кузатилади.

### III. НАТИЖАЛАР

Корхонани самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан бошқарув тизимига яъни молиявий менежмент, ходимларни бошқариш, ишлаб чиқариш менежменти, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик тайёрлашларга боғлиқ. Корхонани оптимизация қилишда инновацияларни жорий этиш орқали корхона фаолияти самарадорлигини ошириш учун бошқарув тизимининг барча элементларини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган механизм ишлаб чиқиш зарур.

Тадқиқотчи М.Хаммер “Компаниялар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўлган харажатлар, ишлаб чиқариш хажми ҳамда хизматларни тубдан яхшилашга эришиш учун бизнес жараёнларини реструктуризация қилиш зарур” деб таърифлайди.<sup>32</sup> Умуман олганда саноат корхоналарини оптимиллаштиришда бозор муҳитига мос маҳсулот турини ишлаб чиқиш, корхонани бизнес моделини

<sup>30</sup> Федулова Л. Проблемы управления наукоемким производственным предприятием. [Электронный ресурс] / Л.Федулова // Директор. –Август. –2006. – Режим доступа к журн.: <http://www.director.by/cgi-bin/article.cgi?date=2006/08/21&name=09>

<sup>31</sup> Булеев И.П. Антикризисное управление предприятием / И.П. Булеев, Н.Е. Брюховецкая. – Донецк: ИЭП НАН Украины, 1999. – 178 с.

<sup>32</sup> Хаммер М. Реинжиниринг корпорации: Манифест революции в бизнесе / М. Хаммер, Дж. Чампи; [пер. с англ.]. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 1997. – 332 с.

рақобатбардошлигини ошириш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

Саноат корхоналарининг бошқарув тизими кўплаб элемент ва бўғинлардан ташкил топиб ўзаро мураккаб муносабатларни ўзида намоён қилади, бир бўғиндаги ўзгариш бутун тизимни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Биргина тизимдаги бўғинлар сонини ортиши бошқарув қарорларини қабул қилишни мураккаблаштириб, натижада бошқарув жараёни секинлашишига олиб келади. Бошқарув тизими корхоналарнинг ижтимоий-маданий муҳитига мос бўлиши лозим, самарали қарорлар қабул қилишга ваколатларни марказлаштириш ва марказлаштирмаслик даражаси, ваколатлар ва масъулиятларнинг тақсимланиши, мустақиллик даражаси ва раҳбарларнинг назорати даражаси сезиларли таъсир кўрсатади.



**1-расм. Саноат корхоналарида бошқарув тизимини оптималлаштириш жараёни<sup>33</sup>**

<sup>33</sup> Муаллиф ишланмаси

Шундай қилиб, бошқарув тизимини самарадорлигини оширишда тизимни оптималлаштириш жараёнини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ж.Лафта корхоналарнинг бошқарув тизимини оптималлаштириш жараёнини корхона мақсадларига энг самарали йўл билан эришишга ёрдам берадиган механизм деб айтади.<sup>34</sup>

Корхонани бошқарув тизимини оптималлаштириш зарурати қуйидаги ҳолларда юзага келади:

- 1) бозор конюктураси сезиларли даражада ўзгарганда;
- 2) корхона стратегияси қайта ишлаб чиқилганида;
- 3) бошқарув функцияларини ноаниқлиги, бўлимлардаги менежерларнинг маъсулияти ва ваколатларини такрорланиш ҳолатларида;
- 4) ваколатларни узатишдаги мураккабликларни мавжудлигида;
- 5) ахборот оқимини самарали бошқариш тизими мавжуд эмаслигида;
- 6) корхона ривожланишининг маълум босқичига етганида мавжуд тизим ўсишга тўсқинлик қилганида;
- 7) ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчан бошқарув механизмларини ташкил этилмаганлиги ва хоказолар.

Корхоналарнинг бошқарув тизимини оптималлаштиришда қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:<sup>35</sup>

- бозор ўзгаришларига мослашувчан муносабатни таъминлаш;
- бошқарув қарорларини марказлаштирилмасликнинг оптимал даражасини таъминлаш;
- корхонанинг таркибий бўлинмаларига корхона томонидан амалга ошириладиган аниқ функцияларни ташкил этиш ва бажариш, шунингдек, ушбу бўлинмалар томонидан бир хил функцияларни бажаришга йўл қўймаслик;
- корхона томонидан бажариладиган ҳар бир функцияни ташкил этиш ва бажариш учун жавобгарликни шахсга йўналтириш лозим.

Баъзи ҳолларда бошқарув тизимини оптималлаштириш даражаси қисман бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ўзгаришлар бошқарув тизимининг бир қисмига таъсир кўрсатади. Лекин қисман ўзгартириш кутилган самарани бермаслиги ҳам мумкин.

#### IV. МУҲОКАМА

Бошқарув тизимини оптималлаштириш корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилишни, бўлимлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишни талаб этади. Корхона фаолиятини таҳлил қилишда корхона Низоми, паспорти, молиявий-иқтисодий натижалари, ходимлар фаолияти, хизмат вазифалари, қонун – қоидалар, стандартлар, сертификатлар, ходимлар билан суҳбатлар, сўровномалар, кузатув материаллари ва бошқалар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

<sup>34</sup> Лафта Дж.К. Теория организации. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 416 с.

<sup>35</sup> Мазур И.И., Шапиро В.Д. Реструктуризация предприятий и компаний: Учеб. пособ. для вузов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2001. – 456 с.

Саноат корхоналарини бошқарув тизимини оптималлаштириш жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиб кўрсатиш мумкин ( 2-расм):



**2-расм. Корхонанинг бошқарув тизимини оптималлаштириш босқичлари<sup>36</sup>**

Саноат корхоналари бошқарув тизимини оптимизация қилишда асосан мақсад ва унинг атрофидаги масалаларга катта эътибор қаратиш зарур. Шу жиҳатдан бошқарув тизимини оптимизация қилишда аниқ стратегик режа ишлаб чиқилиши лозим.

1-жадвал

**Корхонанинг бошқарув тизимини оптималлаштириш босқичлари ва уларни таркиби<sup>37</sup>**


Босқичлар	Таркиби
1	2
1. Тайёргарлик босқичи	1.1. Бошқарув тизимини оптималлаштиришдан кутилаётган мақсадни аниқлаш 1.2. Бошқарув тизимини оптималлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини ташкил этиш 1.3. Корхонани бошқарув фаолиятини таҳлил қилиш 1.4. Амалдаги бошқарув тизимини камчиликларини аниқлаш
2. Бошқарув тизимини оптималлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш	2.1. Бошқарув тизимини оптималлаштириш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш усулларини аниқлаш 2.2. Бошқарув тизимини оптималлаштириш даврини режалаштириш 2.3. Бошқарув тизимини оптималлаштириш тузилмасини ишлаб чиқиш 2.4. Бўлимлар таркиби ва улар ўртасидаги алоқаларни тизимли тартибни ишлаб чиқиш

<sup>36</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>37</sup> Муаллиф ишланмаси

3. Бошқарув тизимини оптималлаштириш лойиҳасини амалга ошириш	3.1. Меҳнат салоҳиятини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш 3.2. Трансформацияларни амалга ошириш бўйича тадбирлар ташкил этиш 3.3. Оптималлаштириш лойиҳасини ходимлар билан ижро этиш
4. Бошқарув тизимини оптималлаштириш самарадорлигини баҳолаш	4.1. Эришилган натижани белгиланган мақсадга мувофиқлик даражасини баҳолаш. 4.2. Бошқарув тизимини мазмуни, ташкил этилиши ва режага мос ҳолда ташкил этилганлигини аниқлаш
5. Янги бошқарув тизимини ишлаш механизмни назорат қилиш	5.1. Янги бошқарув тизимини ишлаш механизмни назорат қилиш 5.2. Бошқарув тизими самарадорлигини мониторинг қилиш

Саноат корхоналари бошқарув тизимини оптималлаштириш натижасида корхона самарадорлик кўрсаткичлари ўзгаришини қуйидагича кузатиш мумкин.



**3-расм. Саноат корхоналарининг бошқарув тизимини оптималлаштиришни корхона самарадорлигига таъсири<sup>38</sup>**

Саноат корхоналари юқори самарадорликка аксарият ҳолларда эриша олмайди, чунки янги техника-технологияларни жалб этилиши, бозор муҳитига мослашиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш юқори ҳаражатларни талаб этади, бу эса иқтисодий самарадорликни пасайишига олиб келади. Шунингдек ҳар қандай оптималлаштириш вақт ўтиши билан эски тизимга қайтиши ҳам мумкин, бу объектив жараён бўлиб, уни ўзгартириш қийин. Баъзида эски иш усулларига бироз қайтиш муваффақиятли оптималлаштиришни кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, бошқарув тизимига ўзгартиришлар киритиш корхонанинг нормал фаолият юритиш режимидан сезиларли даражада фарқ

<sup>38</sup> Муаллиф ишланмаси

қилади. Амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишда классик бошқарув усулларидан кўра аниқ вазиятга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Бунинг сабаби шундаки, ўзгаришларни киритиш ҳар доим ходимларнинг қаршилиги билан бирга келади.

## V. ХУЛОСАЛАР

1. Корхонанинг бошқарув тизими – бу корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи бир-бири билан боғлиқ тизимлар интеграцияси ҳисобланади.

2. Саноати корхоналарининг бошқарув тизими самарадорлиги оптимал ташкилий тузилма, оқилона бошқарув усули, адолатли меҳнат тақсимоти, малакали кадрлар, инновацион технологиялар каби омилларга боғлиқ ҳисобланади.

3. Саноати корхоналарига замонавий бошқарув тизимини татбиқ этиш натижасида корхона аниқ стратегик йўналиш асосида бошқарув тизимини ташкил этади, барча раҳбар-ҳодимларни функционал вазифалари аниқлаштирилади, корхона бозор қиймати орттишига, бренд стратегиясини бошқаришга, инвестицион жозибadorликка эришилади, депсиниб турган саноат корхоналарига рақобатда устунликка эришиш бўйича курашишни аниқ миссияси ишлаб чиқилади, корхоналарни ички ва ташқи муҳит омиллари таҳлилий ўрганилади, бизнесдаги йўқотишларни олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

4. Саноат корхоналарининг бошқарув моделларини ишлаб чиқишда рақобатчи корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш, бозорга киришни энг илғор усулларини тадқиқ этиш, СММ менежерлари фаолиятини йўлга қўйиш, қўшимча қиймат яратиш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

5. Саноат корхоналарининг бошқарув тизимини оптималлаштиришда энг аввало кутилаётган мақсадни аниқлаш, сўнгра оптималлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, самарадорлигини баҳолаш ҳамда янги бошқарув тизимини ишлаш механизмни назорат қилиш босқичлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, корхоналарни оптимизация қилишда инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш, автоматлаштириш тизимларини жорий этиш, ташкилий тузилмани ўзгартириш, корхона бошқарув тизимини қайта ташкил этиш, малакали мутахассисларни жалб этиш, лавозим йўриқномаларини инвентаризация қилиш талаб этилади.

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Федулово А.И. Сучасная концепция управления. - К.: Центр учебной литературы, 2007. - 536 с.

2. Федулова Л. Проблемы управления наукоемким производственным предприятием. [Электронный ресурс] / Л.Федулова // Директор. –Август. –2006. – Режим доступа к журн.: <http://www.director.by/cgi-bin/article.cgi?date=2006/08/21&name=09>

3. Булеев И.П. Антикризисное управление предприятием / И.П. Булеев, Н.Е. Брюховецкая. – Донецк: ИЭП НАН Украины, 1999. – 178 с.
4. Хаммер М. Реинжиниринг корпорации: Манифест революции в бизнесе / М. Хаммер, Дж. Чампи; [пер. с англ.]. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 1997. – 332 с.
5. Лафта Дж.К. Теория организации. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 416 с.
6. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Реструктуризация предприятий и компаний: Учеб. пособ. для вузов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2001. – 456 с.
7. Сорнелиус, П. Тхе Вариед Аппроачес то Риск ин Привате Экуити. / П. Сорнелиус. // ЭМ ПЭ Қуартерлй Ревиев, 7 (1) – 2011. – pp. 6–7.
8. Маҳадеван Б. (2000). Бусинесс моделс фор Интернет-басед э-соммерсе: Ан анатомй. Салифорния Манагемент Ревиев, 42(4), 55–69.
9. Раппа М. Бусинесс моделс он тхе веб [Элестронис ресоурсе] // Манагинг тхе Дигитал Энтерприсе. – Моде оф ассесс: [хттп://www.дигиталентерприсе.орг/моделс/моделс.хтмл](http://www.дигиталентерприсе.орг/моделс/моделс.хтмл)
10. Бек Н.Н., Гаджаева Л.Р. Открытые инновационные бизнес-модели и стратегии: особенности, проблемы, перспективы развития // Вестник Московского университета. Серия 6. №1, 2018. – с. 140 – 159.
11. Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография. -Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. -160 б.